

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

“РЎЙХАТГА ОЛИНДИ”

№ ВМ – 343 – 5А340801 – 2.01

“1” ИЮЛЬ 2003 й.

“ТАСДИҚЛАНДИ”  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус  
таълим вазирлиги

---

“8” ИЮЛЬ 2003 й.

**БОШҚАРУВ ҲИСОБИ-2  
фанидан  
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 340000 –“Бизнес ва бошқарув” таълим  
соҳасидаги 5А340901 – “Бухгалтерия ҳисоби (иктисодиёт  
тармоқлари бўйича” магистратура мутахассислиги учун**

**Ташкент – 2003**

**Тузувчилар:** проф. Ҳасанов Б. А.,  
доц. Махмудов. А.Н.

**Такризчилар:** доц. Ёрматов И.Т.,  
доц. Маматов З.Т.

Республикамизда бухгалтерия ҳисоби тизимини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш ва уни юритиш зарурати «Бошқарув ҳисоби-2» фанини магистрантларга ўқитиш тақозо этмоқда.

«Бошқарув ҳисоби-2» фанининг бу ўқув дастурида унинг мақсади, вазифалари, бошқа фанлар билан ўзаро алоқаси, Давлат таълим стандартларига мувофиқ билим ва кўникмалар, амалий ва семинар дарслари бўйича ишларнинг минимал миқдори, компьютер ва информацион технологияларни қўллаш, фан дастури, амалий ва семинар машғулотлари, курс иши мавзуларининг рўйхатлари, тавсия этилаётган мавзулар бўйича кўргазма-намойиш материаллари, ўқув фильмлар ва бошқа дидактик материаллар рўйхати, талабаларнинг ўзлаштиришини рейтинг асосида баҳолаш тартиби ҳамда адабиётлар рўйхати ўз аксини топган.

Необходимость обучения студентов предмету "Управленческий учет-2" заключается в том, что организация бухгалтерского учета в нашей республике требует введения этого предмета. С этой точки зрения используемый бухгалтерский учет делится на финансовый учет и на управленческий учет.

Цель и задачи предмета, связь с остальными предметами, знания и навыки соответствующие Государственному образовательному стандарту, минимальное количество семинаров и практических занятий, применение компьютеров и информационной техники, программа предмета, семинарские занятия, список тем курсовых работ, наглядно-показательные материалы по рекомендуемым темам, список учебных фильмов и других дидактических материалов, контроль успеваемости студентов по рейтинговой системе и список используемой литературы.

The necessity of teaching "Management accounting-2" consists of the organization of Accounting in our republic according to the international standards that require conducting this subject. From this point of view Accounting is divided into the Financial accounting and Management accounting.

The purpose and task of the subject, connection with other subjects, knowledge and skills appropriate to the SSE (Standarts of State Education), minimal quantity of seminars and practical hours, application of computers and technological information, program of the subject, seminar lessons, the list of themes of "course works", visual-indicative materials on recommended themes, the list of educational films and other materials, control of progress of the students on a rating system and the list of literature for usage.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель, 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлараро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль, 37-сонли мажлис баёни).

## 1. СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги Фармонида "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 август 343-сонли Қарорига мувофиқ Давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди. Мазкур стандартлар ҳар

бир ўқитиладиган фанлар учун дастурлар тайёрлашни тақозо этади. "Бошқарув ҳисоби-2" фани бўйича қўйилган барча талаблар асосида тузилган бўлиб, 5А340901 -«Бухгалтерия ҳисоби», 5А340902 - «Аудит» мутахассислиги магистрантлари учун мўлжалланган.

### **Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари**

Иқтисодийни янада эркинлаштириш ҳамда бозор муносабатларининг ривожланиши шароитида малакали бухгалтер ва аудиторларни тайёрлаш муҳим ҳисобланади.

Бу фанни ўрганишдан мақсад бўлғуси мутахассислардан тадбиркорлик фаолиятида бошқарув ҳисобини ташкил қилиш, корхонани тезкор бошқариш, иш фаолияти натижаларини баҳолаш ва тезкор назоратни амалга ошириш, режалаштириш ва корхонани ривожлантириш йўналишларини белгилаб олиш бўйича назарий билимларни ва амалий тажрибаларини шакллантиришдан иборатдир.

"Бошқарув ҳисоби-2" фанини ўқитиш жараёнида қуйидаги вазифалар қўйилган:

- бошқарув ҳисоби учун зарур бўлган ва уни қўллаш талабларига жавоб берадиган ахборот-назорат тизимини ташкил қилиш;
- бошқарувчи ходимлар (менежер) ҳамда сармоядорларга улар талабига жавоб берадиган маълумотлар тайёрлаш, тақдим қилиш ва ҳ.к.

"Бошқарув ҳисоби-2" фани қуйидаги мутахассислик фанлар билан бевосита боғлиқликда ўрганилади: «Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари ҳисоби»; «Халқаро аудит тизими»; «Молиявий таҳлил-2»; «Амалий аудит»; «Бюджет ҳисоби ва ҳисоботи»; «Молиявий ҳисоб-2»; «Давлат солиқлари ва йиғимлари»; «Бошқа тармоқларда аудитнинг хусусиятлари»; «Молия математикаси»; «Бюджет ҳисоби ва ҳисоботи».

### **Фан бўйича магистрантларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар**

Давлат таълим стандартларига асосан мазкур мутахассислик бўйича ўқийдиган магистрантларга «Бошқарув ҳисоби» фанини чуқур ўрганиши ҳамда етук мутахассис бўлиши учун қуйидаги талаблар қўйилган:

- ҳуқуқий, демократик жамият ёшлари, айниқса, бухгалтер, аудитор мутахассислигини эгалловчи талабалар ҳуқуқшунослик, давлат ва жамият қурилиши фанларини чуқур эгаллаган бўлиши;
- бозор иқтисодийига ўтиш тамойиллари ва қонуниятларини мукамал ўрганиши;
- мутахассислик фани билан боғлиқ фанларни мукамал ўрганиши;
- фан ва техника ютуқларига қизиқувчан ўзига нисбатан талабчан, Ватанига фидойи бўлиши керак.

Фанни ўргатишда мутахассислик кафедра профессор-ўқитувчилари талабаларда фанга нисбатан қизиқиш уйғотиши, ҳар бир талабанинг билим савияси ва индивидуал характериға қараб вазифа бериши ҳамда талаб қилиш санъатиға эға бўлиши лозим.

### **Бу фаннинг ўқув режасидаги бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорлиги**

"Бошқарув ҳисоби-2" фани хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқириш фаолиятини ҳисобға олишда ўз услубиятиға эға бўлиши билан биргаликда қуйидаги фанлар билан ҳам бевосита боғлиқлиги туфайли бу фанлар ҳам магистрантларға чуқур ўргатилади: «Молиявий ҳисоб-2», «Халқаро аудит тизими», «Амалий аудит», «Бюджет ҳисоби ва ҳисоботи», «Молиявий ҳисоб-2», «Давлат солиқлари ва йиғимлари», «Бошқа тармоқларда аудитнинг хусусиятлари», «Инвестициялар аудити ва уни баҳолаш», «Молия математикаси».

## **Фанни ўқитишдаги янги технологиялар**

Магистрантларга фанни замонавий усулларда ўргатиш, уларнинг мустақил билим олишига шароит яратиш ҳамда олган билимларини мустақил равишда баҳолашлари учун қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

- магистрантларни тарқатма материаллар билан таъминлаш;
- магистрантга ўз билимини ўзи баҳолаши учун шароит яратиб бериш;
- магистрант билимини таянч иборалар асосида баҳолашни жорий қилиш;
- магистрантларни кичик гуруҳларга бўлиб, профессор-ўқитувчи раҳбарлигида мустақил билим олишга ўргатиш;
- иқтидорли магистрантлар билан қўшимча дарслар ташкил қилиш;
- магистрантларда «1С:Бухгалтерия», «Турбо-Бухгалтерия» ва бошқа дастурлар билан ишлаш қўникмаларини ҳосил қилиш.

## **Фанни ўқитиш семестрлари ва услубий кўрсатмалар**

"Бошқарув ҳисоби-2" фани ўқув режа бўйича 4-семестрда ўқитилади.

"Бошқарув ҳисоби-2" фани маъруза ва амалий машғулот шаклида амалга оширилади. Аудиторияда олган назарий билимларини мустақамлаш учун корхона ва хўжаликларда амалиёт ўтиш кўзда тутилган. Магистрантларнинг билимлари профессор-ўқитувчилар томонидан белгиланган ҳайъат аъзолари томонидан рейтинг усулида баҳоланади.

Магистрантларнинг мустақил ўрганиши учун мавзулар бўйича уй вазифалари берилади, уларнинг бажарилганлиги рейтинг баҳолашда ҳисобга олинади. Магистрантларнинг билимларини аниқлашда рейтинг усуллари қўлланилади.

## **Умумий ва ўқув ишлари турлари бўйича соатлар ҳажми**

"Бошқарув ҳисоби-2" фанини ўрганиш бўйича ўқув режасида жами 108 соат белгиланган. Шундан: маъруза - 36, амалий машғулот - 36, мустақил таълим - 36 соатдан иборат.

## **2. ФАН ДАСТУРИ**

### **Маъруза машғулотларининг мавзулари**

#### **Бошқарув ҳисоби фанининг предмети, вазифалари ва тамойиллари, тадқиқот усуллари**

*Бошқарув ҳисоби ҳақида тушунча. Унинг мазмуни, аҳамияти ва тамойиллари.* Ишлаб чиқариш ҳисоби - бошқарув ҳисобининг асосий таркиби эканлиги. Бошқарув ҳисобининг олдида қўйилган вазифалар. Бошқарув ҳисобини ташкил қилиш муаммолари. Бошқарув ҳисобининг бошқарувчиларни иқтисодий ахборотлар билан таъминлашдаги роли. Бошқарув ҳисобини тўғри ташкил қилиш, унинг молиявий ҳисобнинг тўғри ташкил қилиниши ва юритилишидаги роли. Бошқарув ҳисобнинг молиявий ҳисобот билан боғлиқлиги. Бошқарув ҳисоби маълумотларининг жорий ва сир сақланиш тартиби. Бошқарув ҳисобини ташкил қилишнинг корхонада бухгалтерия ҳисобини юритиш сиёсатида тўғри келиши. Бошқарув ҳисоби, молиявий ҳисоб ва солиқ бўйича ҳисоб-китоблар: умумийлик ва алоҳидалик.

## **Харажатлар ва уларнинг туркумланиши**

Харажатлар ҳақида тушунча. *Харажатларнинг турли хил белгиларга кўра туркумланиши. Ишлаб чиқариш ва давр харажатлари.* Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ харажатларнинг гуруҳланиши. Маржинал даромад ҳақида тушунча. «Харажат-ишлаб чиқариш ҳажми-фойда» (CVP-analysis) ўзаро боғлиқлиги таҳлили. Зарарсизлик (критик) нуқтасини аниқлаш. CVP-таҳлилининг асосий муаммолари.

### **Ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини ҳисобга олиш**

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш - бошқарув ҳисобининг таркибий қисми эканлиги. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобининг вазифалари. *Ишлаб чиқариш харажатларини туркумлаш.* Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобига технологиянинг таъсири. Технологик жараёнга қараб ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш. Ишлаб чиқариш харажатларини асосий, ёрдамчи ишлаб чиқариш бўйича, хизмат кўрсатувчи, коммуникация хизмати бўйича ҳисобга олишни ташкил қилиш.

Ишлаб чиқариш харажатларини харажат турлари бўйича, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар, бажариладиган хизматлар бўйича, харажат моддалари ва харажат элементларига мувофиқ ташкил қилиш. Харажатларни ҳисобга олишни тайёр маҳсулотлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича ташкил қилиш. Харажатларни ҳисобга олишни бўлинмалар бўйича ташкил қилиш. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича таннархга қўшиладиган харажатларни умумлаштириш, молиявий натижаларни шакллантиришни таъминлаш. "Директ-кост" усулида харажатларни ҳисобга олиш тизими. Маҳсулотлар таннархини калькуляция қилишнинг буюртмали усули. Маҳсулотлар таннархини калькуляция қилишнинг норматив усули.

### **Режалаштириш ва бюджетлаштириш**

Бюджетлаштириш-бошқаришнинг асосий вазифасидир. Жорий ва истиқболли бюджетлаштиришнинг мазмуни ҳамда вазифалари. Корхонанинг умумий бюджетини тайёрлаш ва тасдиқлаш тартиби. Стратегик режалаштириш. *Жорий ва молиявий бюджетлар.* Бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулотлар ҳажмини аниқлаш муаммолари. "Ноль" кўринишидаги, даврий ва ўсувчи бюджетлар.

### **Харажатларни ҳисобга олишнинг норматив усули («Стандарт-кост» тизими) ва четланиш (оғишиш)лар таҳлили**

Норматив ҳисоб, унинг мақсади, моҳияти ва аҳамияти. *Ўзбекистонда харажатларни ҳисобга олишнинг норматив усулини Фарб давлатлардаги «Стандарт-кост» усули билан таққослаш.* Норматив усулнинг тамойиллари ва уларнинг туркумланиши. Умумишлаб чиқариш харажатларидаги четланишлар бўйича икки ва уч босқичдаги таҳлил. Бухгалтерия ҳисоби регистрларида норматив харажатларни акс эттириш.

### **Бошқарув ҳисобида таҳлил**

*Бошқарув ҳисобида таҳлилнинг мақсади.* Таҳлилда қўлланиладиган кўрсаткичлар. Умумий кўрсаткичлар, фойданинг активларга нисбати, фойданинг инвестицияланган активларга нисбати, рентабеллик кўрсаткичлари, брутто фойда, фойда меъёри, бир дона акцияга тўғри келадиган фойда, сармоядан фойдаланиш кўрсаткичлари. Активларнинг айланиши, инвестицияланган капиталнинг айланиши, ҳиссадорлик капиталининг

айланиши. Заҳираларни сақлаш даври ва айланиши. Молиявий ҳолатни баҳоловчи кўрсаткичлар. Тўлов қобилияти. Фоизларни тўлаш. Дебиторлик қарзларнинг қайтиши. Маҳсулот ишлаб чиқариш натижасида зарар кўрмаслик даражасини таҳлил қилиш. Иқтисодий модель, бухгалтерия модели, математик модель. Зарасизлик чегараси, тушум, даромад, фойда, ишлаб чиқариш графикларидан фойдаланиб зарарсизлик графигини тузиш.

### **Бошқарув ҳисоби маълумотлари асосида қарорларини қабул қилиш**

*Ишлаб чиқариш хавфсизлигини таҳлил қилиш.* Маълумотлардан фойдаланиш. Баҳога тегишли бўлган қарорлар қабул қилиш. Қўшимча ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш мумкин бўлган баҳосини аниқлаш. Маҳсулот баҳосини пасайтириб, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳисобига фойдани сақлаб қолиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

### **Маҳсулот сотиш билан боғлиқ харажатлар ҳисоби**

Тайёр маҳсулот ҳақида тушунча, уни оморга қабул қилиш тартиб, баҳолаш ва бухгалтериядаги синтетик ҳисоби.

*Маҳсулот сотишда маркетинг фаолиятининг вазифалари ва тақдим этадиган маълумотлардан бошқарув ҳисобида фойдаланиш.* Маҳсулотни сотишда баҳо ўрнатиш тартиби. Баҳоларнинг турлари: расмий, тартибга солинадиган. шартнома. Маҳсулот сотишнинг аналитик ва синтетик ҳисоби. Молиявий натижаларни аниқлаш. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва фойда олиш концепцияси.

### **Хўжалик субъектларида бошқарув ҳисобини ташкил этиш**

Корхоналарнинг ташкилий тузилиши. Марказлашган ва марказлашмаган бошқарув. Жавобгарлик маркази бўйича бошқарувни ташкил этиш. Жавобгарлик марказларининг турлари. Ахборотларнинг ички оқими ва ҳужжатлар айланиши. Ахборотлар тизимларининг интеграциялашуви. Ички хўжалик тизими ҳисоботлари ва бизнес сегментлари. Бухгалтерия ва бошқарув назорати. *Бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоб ва бошқарув ҳисобига ажратиш, бошқарув ҳисобини тармоқ хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилиш.*

Бошқарув учун зарур маълумотларга бўлган талаб ва таклифни ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш, тармоқ хусусиятини ҳар томонлама ўрганиш асосида харажатларни вужудга келиш марказлари ва маъсулият марказларини шакллантириш, бошқарув ҳисобини қулай ташкил қилиш мақсадида харажатларни корхона бўйича унинг бўлимлари, вужудга келиш марказлари, маъсулият марказлари бўйича гуруҳлаш ва бошқалар.

### **Бошқарув ҳисобида технологиялар ва йўналишлар**

*Ишлаб чиқаришнинг янги шароитлари: тўлиқ автоматлаштириш ва бир хил меъёردаги «муддатида аниқ».* ЛТ-фалсафаси (*Just-in-Time/муддатида аниқ*). Корхоналарда ЛТ усулини тадбиқ қилиш муаммолари: заҳираларни минимал даражада ушлаб туриш, ишлаб чиқариш линиялари. Ишчи ва хизматчиларнинг юқори малакаси, маҳсулотлар ва хизматларнинг сифати ва ҳ.к. ЛТ-тизимда харажатларни ҳисобга олиш ва уларни анъанавий усуллар билан таққослаш. АВС-костинг (ABC-Costing) фаолиятида харажатларни ҳисобга олиш. Маҳсулот ва хизматлар сифатидаги ўзгаришлар бўйича муаммолар (TQM – Total Quality Management).

## **Амалий ва семинар машғулоти мавзуларининг мазмуни**

Бошқарув ҳисоби фанининг предмети, тадқиқот усуллари, вазифалари ва тамойиллари

Бошқарув ҳисоби ҳақида тушунча, унинг мазмуни, ва тамойиллари. Ишлаб чиқариш ҳисоби-бошқарув ҳисобининг асосий таркиби эканлиги. Бошқарув ҳисобининг олдида қўйилган вазифалар. Бошқарув ҳисобини ташкил қилиш муаммолари. Бошқарув ҳисобининг бошқарувчиларни иқтисодий ахборотлар билан таъминлашдаги роли. Бошқарув ҳисобини тўғри ташкил қилиш, молиявий ҳисобнинг тўғри ташкил қилиниши ва юритилишидаги роли. Бошқарув ҳисобининг молиявий ҳисобот билан боғлиқлиги. Бошқарув ҳисоби маълумотларининг жорий ва сир сақланиш тартиби. Бошқарув ҳисобини ташкил қилишнинг корхонада бухгалтерия ҳисобини юритиш сиёсатида тўғри келиши. Бошқарув ҳисоби, молиявий ҳисоб ва солиқ бўйича ҳисоб-китобларда умумийлик ва алоҳидалик.\*

## **Харажатлар ва уларни туркумланиши**

Харажатлар ҳақида тушунча. Ишлаб чиқариш ва давр харажатлари. Харажатларнинг турли хил белгиларга кўра туркумланиши. Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ харажатларни гуруҳланиши. Маржинал даромад ҳақида тушунча\*. «Харажат-ишлаб чиқариш ҳажми-фойда» (CVP-analysis) ўзаро боғлиқлиги таҳлили. Зарарсизлик (критик) нуқтани аниқлаш. CVP-таҳлилининг асосий муаммоларини очиқ бериш.

## **Ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини ҳисобга олиш**

Бошқарув ҳисобида ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишнинг аҳамияти ва зарурияти. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобининг вазифалари. Ишлаб чиқариш харажатларини туркумларга ажратиш.\* Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишда технологиянинг таъсири. Технологик жараёнга қараб ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш. Ишлаб чиқариш харажатларини асосий, ёрдамчи ишлаб чиқариш бўйича, хизмат кўрсатувчи, коммуникация хизмати бўйича ҳисобга олишни ташкил қилиш. Ишлаб чиқариш харажатларини харажат турлари бўйича, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар, бажариладиган хизматлар бўйича, харажат моддалари ва харажат элементларига мувофиқ ташкил қилиш. Харажатларни ҳисобга олишни тайёр маҳсулотлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича ташкил қилиш. Харажатларни ҳисобга олишни бўлинмалар бўйича ташкил қилиш. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича таннархга қўшиладиган харажатларни умумлаштириш, молиявий натижаларни шакллантиришни таъминлаш. "Директ-кост" усулида харажатларни ҳисобга олиш тизими.\* Маҳсулотлар таннархини калькуляция қилишнинг буюртмали. усули. Маҳсулотлар таннархини калькуляция қилишнинг норматив усули. Маҳсулот таннархини калькуляция қилиш усуллари амалий маълумотлар асосида ёритиб бериш.

## **Режалаштириш ва Бюджетлаштириш**

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида бюджетлаштириш-бошқаришнинг асосий вазифасидир. Жорий ва истиқболли бюджетлаштиришнинг мазмуни, вазифалари. Корхонанинг умумий бюджетини тайёрлаш ва тасдиқлаш тартиби.\* Стратегик режалаштириш. Жорий ва молиявий бюджетлар. Бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулотлар ҳажмини аниқлаш муаммолари. "Ноль" кўринишидаги, даврий ва ўсувчи бюджетлар.

## **Харажатларни ҳисобга олишнинг норматив усули («Стандарт-кост» тизими) ва четланиш (оғишиш)лар таҳлили**

Маҳсулот таннархини калькуляция қилишда норматив ҳисоб унинг мақсади, моҳияти ва аҳамияти. Ўзбекистонда харажатларни ҳисобга олишнинг норматив усулини Ғарб давлатларидаги «Стандарт-кост» усули билан таққослаш.\* Норматив усулнинг тамойиллари ва уларнинг туркумланиши. Умумишлаб чиқариш харажатларидаги четланишлар бўйича икки ва уч босқичдаги таҳлил. Бухгалтерия ҳисоби регистрларида норматив харажатларни акс эттириш. Амалий маълумотлар асосида норматив усулнинг қўлланилиши.



## **Бошқарув ҳисобида таҳлил қилиш**

Бошқарув ҳисобида таҳлилнинг мақсади. ўрни ва аҳамияти. Таҳлилда қўлланиладиган кўрсаткичлар. Умумий кўрсаткичлар, фойданинг активларга, инвестицияланган активларга нисбати, рентабеллик кўрсаткичлари, брутто фойда, фойда меъёри, бир дона акцияга тўғри келадиган фойда, сармоядан фойдаланиш кўрсаткичлари. Активларнинг айланиши, инвестицияланган капиталнинг айланиши, ҳиссадорлик капиталининг айланиши. Заҳираларни сақлаш даври ва айланиши.\* Молиявий ҳолатни баҳоловчи кўрсаткичлар. Тўлов қобилияти. Фоизларни тўлаш. Дебиторлик қарзларнинг қайтиши. Маҳсулот ишлаб чиқариш натижасида зарар кўрмаслик даражасини таҳлил қилиш. Иқтисодий модель, бухгалтерия модели, математик модель. Зарарсизлик чегараси, тушум, даромад, фойда, ишлаб чиқариш графикларидан фойдаланиб зарарсизлик графигини тузиш.

## **Бошқарув ҳисоби маълумотлари асосида қарорларини қабул қилиш**

Бошқарув ҳисобида ишлаб чиқариш хавфсизлигини таҳлил қилиш\*. Маълумотлардан фойдаланиш. Баҳога тегишли бўлган қарорлар қабул қилиш. Қўшимча ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш мумкин бўлган баҳони аниқлаш. Маҳсулот баҳосини пасайтириб, ишлаб чиқаришни ҳажмини ошириш ҳисобига фойдани сақлаб қолиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

## **Маҳсулот сотиш билан боғлиқ харажатлар ҳисоби**

Корхона маҳсулоти ҳақида тушунча, унинг оморга қабул қилиш тартиби, баҳолаш ва бухгалтериядаги синтетик ҳисоби.

Маҳсулот сотишда маркетинг фаолиятининг вазифалари ва тақдим этадиган маълумотлардан бошқарув ҳисобида фойдаланиш.\* Маҳсулотни сотишда баҳо ўрнатиш тартиби. Баҳоларнинг турлари: расмий, тартибга солинадиган, шартнома. Маҳсулот сотишнинг аналитик ва синтетик ҳисоби. Молиявий натижаларни аниқлаш. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва фойда олиш концепцияси.

## **Хўжалик субъектларида бошқарув ҳисобини ташкил этиш муаммолари**

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ташкилий тузилиши. Марказлашган ва марказлашмаган бошқарув. Жавобгарлик маркази бўйича бошқарувни ташкил этиш.\* Жавобгарлик марказларининг турлари. Ахборотларнинг ички оқими ва ҳужжатлар айланиши. Ахборот тизимларининг интеграциялашуви. Ички хўжалик тизими ҳисоботлари ва бизнес сегментлари. Бухгалтерия ва бошқарув назорати. Бухгалтерия ҳисобининг молиявий ҳисоб ва бошқарув ҳисобига ажратиш, бошқарув ҳисобини тармоқ хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилиш, бошқарув учун зарур бўлган маълумотларга бўлган талаб ва таклифни ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш, тармоқ хусусиятини ҳар томонлама ўрганиш асосида харажатларнинг вужудга келиш марказлари ва маъсулият марказларини шакллантириш, бошқарув ҳисобини қулай ташкил қилиш мақсадида харажатларни корхона бўйича унинг бўлимлари, вужудга келиш марказлари, маъсулият марказлари бўйича гуруҳлаш ва бошқалар. Корпоратив бошқарувни қўллаш муаммоларини баён қилиш.

## **Бошқарув ҳисобида технологиялар ва йўналишлар**

Ишлаб чиқаришнинг янги шароитлари: тўлиқ автоматлаштириш ва бир хил меъёردаги «муддатида аниқ». ЛТ-фалсафаси (Just-in-Time/муддатида аниқ). Корхоналарда

ЛТ усулини тадбиқ қилиш муаммолари\*: захираларни минимал даражада ушлаб туриш, ишлаб чиқариш линиялари, Ишчи ва хизматчиларнинг юқори малакаси, маҳсулотлар ва хизматларнинг сифати ва ҳ.к. ЛТ-тизимида харажатларни ҳисобга олиш ва уларни анъанавий усуллар билан таққослаш. ABC-костинг (ABC-Costing) фаолиятида харажатларни ҳисобга олиш.\* Маҳсулот ва хизматлар сифатидаги ўзгаришлар бўйича муаммолар (TQM-Total Quality Management).

### **Курс ишларининг мавзулари ва уларни бажарилишга оид услубий кўрсатмалар**

Курс иши мавзулари:

1. Бошқарув ҳисобининг мазмуни ва аҳамияти.
2. Бошқарув ҳисобининг назарий асослари.
3. Харажатлар ва уларнинг туркумланиши.
4. Ишлаб чиқариш захиралари ва уларни туркумлаш.
5. Маҳсулотни сотиш ва у билан боғлиқ харажатлар.
6. Бошқарув назорати ва унинг вазифалари.
7. Ички ҳисобот тизими.
8. Бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисобининг роли.
9. Хўжалик субъектларида бухгалтерия ҳисобининг ўрни ва вазифалари.
10. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш.
11. Бухгалтерия ҳисобининг тамойиллари.
12. Бошқарув ҳисоби, унинг роли ва вазифалари.
13. Ўзбекистон Республикасида халқаро бухгалтерия ҳисоби стандартларига ўтиш муаммолари.
14. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари.
15. Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш.
16. Тўғри ва эгри харажатлар ҳисоби.
17. Давр харажатлари ҳисоби.
18. Ишлаб чиқариш харажатларини норматив усулда ҳисобга олиш.
19. Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини ташкил қилиш.
20. Тайёр маҳсулотлар ҳисоби.
21. Маҳсулотларни сотиш ҳисоби.
22. Тўғри солиқлар юзасидан ҳисоблашишлар ҳисоби.
23. Эгри солиқлар бўйича ҳисоблашишлар.
24. «Директ-Костинг» ва «Стандарт-Костинг» тизимларининг хусусиятлари.
25. Бошқарув ҳисобида қарор қабул қилиш жараёни.

Магистрантлар мутахассислик фани бўйича олган назарий билимлари ҳамда амалиётда орттирган тажрибаларига асосланиб ўзининг илмий салоҳиятини аниқлаш, ўзини қизиқтирган мавзусини чуқурроқ ўрганиш мақсадида курс иши ёзади. Курс ишини ёзганда юқорида келтирилган мавзулардан бирини танлаб олади. Мавзунини танлаш ихтиёрий бўлиб, курс ишини ёзиш мажбурийдир. Курс иши ёзилишига талаблар, Уни ёзиш ва химоя қилиш бўйича услубий қўлланмада батафсил ёритилиб берилган. Кафедра томонидан курс ишлари мавзулари ҳар йили янгиланиб ва тўлдирилиб борилади.

### **3. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА- НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ЎҚУВ ФИЛЬМЛАРИ ВА БОШҚА ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР РЎЙХАТИ**

"Бошқарув ҳисоби-2" фанини ўрганувчи магистрантлар аудиторияда олган назарий билимларини мустаҳкамлаш учун мустақил таълим тизимида асосланиб, кафедра ўқитувчилари раҳбарлигида, ўқув режасига мувофиқ мустақил таълим олади.

"Бошқарув ҳисоби-2" фанини ўрганишда талабалар амалий ёрдам тариқасида бошқарув ҳисоби бўйича қўлланиладиган турли хилдаги шакллар, чизмалар, слайдалар

билан таъминланади. Унда: «Харажат-ишлаб чиқариш ҳажми-фойда» (CVP-analysis); Харажатларни туркумлаш; Ўзгарувчи ва ўзгармас харажатлар; Калькуляция усуллари; Тўғри ва эгри харажатлар; "Стандарт-кост" тизими ва унинг моҳияти; "Директ-кост" тизими ва унинг моҳияти; ЛТ-фалсафаси (Just-in-Time); АВС-костинг (ABC-Costing) фаолиятида харажатларни ҳисобга олиш. Маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ харажатлар. Давр харажатлари; Дискрет харажатларни ўрганиш мумкин.

Магистрант "Бошқарув ҳисоби-2" фанини ўрганишда ахборот воситаларидан яъни интернет тизимидан ҳам кенг фойдаланади. Унда қуйидаги сайт ва электрон почталардан фойдаланиши мумкин:

<http://www.apb.org.uk> (Auditing Practices Board);  
<http://www.nao.gov.uk> (UK National Audit Office);  
<http://www.iaa.org.uk> (The Institute of Internal Auditors-United Kingdom);  
<http://www.iasc.org.uk> (International Accounting Standards Committee);  
<http://www.aicpa.org/index.htm> (American Institute of Certified Public Accountants);  
[www.uza.us.aph](http://www.uza.us.aph) (УМА турли соҳаларига доир кундалик ва янгиликлари);  
[www.uzreport.com](http://www.uzreport.com) (Кундалик бизнес янгиликлари);  
[www.referat.ru](http://www.referat.ru) (Рефератлар тўплами).

Шунингдек, мамлакатда чоп этилган газета ва иқтисодий йўналишдаги журналлардан мутахассислигига тегишли материалларни олади.

Магистрантга Ўзбекистон Республикаси аудиторлар палатаси, Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерлар ва Аудиторлар миллий ассоциацияси, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент Молия институтида тайёрланган ўқув фильмлар, дидактик материаллар ва мультимедия иловаларидан фойдаланиш тавсия этилади.

#### 4. ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ

Магистрантларнинг фан бўйича ўзлаштиришларини баҳолаш семестр давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги турлар орқали амалга оширилади; жорий, оралиқ баҳолаш ва якуний баҳолаш. Жорий ва оралиқ баҳолашга ажратилган баллар миқдори ўқув режасида фанга ажратилган соатнинг 70, якуний баҳолашга эса 30% миқдорда белгиланади. «Бошқарув ҳисоби-2» фанидан магистрант тўплаши мумкин бўлган максимал балл 72 га тенг бўлиб, у жорий, оралиқ ва якуний баҳолашга ажратилади. Жорий ва оралиқ баҳолаш турларига белгиланган баллар қуйидаги ҳолатларда қўйилади:

- магистрантнинг ўқув жараёнидаги давомати ва фаоллиги;
- амалий (семинар) машғулотларга тайёргарлик даражаси;
- фан бўйича асосий манбаларни конспектлаштириш;
- долзарб мавзулар бўйича рефератлар ёзиш;
- илмий тезислар тайёрлаш;
- мустақил таълим учун берилган назорат ишларини бажариш;
- фан бўйича кўргазмаларни қуролларни тайёрлаш.

Таянч тушунчаларга асосланган «ёзма иш» ўтказиш тартиби «Рейтинг тизимини якуний баҳолаш босқичида «ёзма иш» усулини тадбиқ этиш бўйича Намунавий Низом» билан белгиланади. Семестр давомида фанлар бўйича тўпланган баллар қуйидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари билан баҳоланади:

- 86 - 100 фоиз «аъло»;
- 71-85 фоиз «яхши»;
- 55 - 70 фоиз «қониқарли»;
- 55 фоиздан кам «қониқарсиз».

## **5. АДАБИЁТЛАР**

### **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. // Халқ сўзи, 1996.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли Қарори «Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархига киритиладиган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом. Т., «Ўзбекистон Республикаси Молиявий қонунлари», 1999.
3. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 1997 йил 15 январь 5-сон буйруғи (1997 йиллик ва ярим йиллик ҳисоботи тўлдириш тўғрисида). Т., «Ўзбекистон Республикаси Молиявий қонунлари», 1997.
4. Бобожонов О.У. Молиявий ҳисоб. -Т.: «Меҳнат», 1999.
5. Друри К. Введение в управленческий и производственный учёт - М.: Аудит, 1994.
6. Карпова Т.П. Основы управленческого учёта: Учебное пособие. -М.: ИНФРА-М, 1997.
7. Мюллендорф Р., Корренбауэр М., Производственный учёт. -М.: ЗАО «ФБК» пресс, 1996.
8. Палий В.Ф. Управленческий учёт. -М.: Союзаудит, 1997.
9. Ризақулов А.А. Узоқ муддатли активлар ҳисоби. -Т.: «Фан», 1998.
10. Ризақулов А.А., Иброҳимов А.К., Ҳасанов Б.А., Усанов А.У., Маматов З.Т. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари. I-III том. ТМИ ва ИУТ, 1994.
11. Ўзбекистон Республикаси Молиявий қонунлари тўпламлари. 2001-2002.
12. Хонргрен Ч.Т., Фостер Дж. Бухгалтерский учёт: управленческий аспект. -М.: Финансы и статистика, 1995.

## Қўшимча адабиётлар

1. Николаева С.А. Особенности учета затрат в условиях рынка: система «директ костинг». -М.: Финансы и статистика, 1993.
2. Нидлз Б., Андерсон Х., Колдуэлл Д. Принципы бухгалтерского учета. -М.: Финансы и статистика, 1993.
3. Ибрагимов А., Каримов А. Хориж сармоялари бухгалтерия ҳисоби, -Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Панков Д. Бухгалтерский учет и анализ в зарубежных странах. М: «Экоперспектива», 1998.
5. Николаева О. Международные стандарты финансовой отчетности: -М.: УРСС, 2001.
6. Санаев Н.С. «Қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби, назорат ва молиялашнинг долзарб масалалари». -Т,: »Меҳнат» 1991.
7. Солиқлар ва божхона хабарлари газетаси, 2001-2002.
8. Сотиволдиев А.С. «Қишлоқ хўжалиги корхоналарида бухгалтерия ҳисоби». -Т.: Меҳнат 1991.
9. Чая В., Чая Г. Международные стандарты финансовой отчетности. -М.: ГУП ИПК «Ульяновский Дом печати», 2000.
10. Энтони Р. Рис Д. Учет ситуации и примеры. -М.: Финансы и статистика, 1993.
11. Фрэнк Вуд. Бухгалтерский учет для предпринимателей. -М.; ООО Аскери, 1996 г.
12. Фуломова Ф. Самоучитель по бухгалтерскому учету. -Т.: Мир экономики и права, 2000.
13. Fremgen F.M. Accounting for managerial Analysis: Third Edition. Richard D. Irwing Inc., Homewood, Illions, 1996.
14. Kenneth M. Morris & Allan M. Siegel. Guide to understanding money & investing. 2000 by lightbulb, press, Inc.
15. Securities Regulation in THE Unite States. NASD. Washington, 2000.
16. The Istanbul Stock Exchange In a Historical Perspective. Written by Pfor. Haydar Kazgan/ published by ISE - Istanbul, 1999.
17. The Work Of SEC. U.S. Securities and Exange Comisssion, 1999.
18. Cost accounting (a managerial emphasis) / USA. Mexico. Or Canada, 2001.
19. Financial accounting / USA. Mexico. Or Canada, 2001.